

Гулнора ГУЛЯМОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми катта ўқитувчиси,
иқтисод фанлари номзоди
ggulyamova@yandex.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

ФАКТОРЫ И НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЗИЁРАТ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

FACTORS AND DIRECTIONS OF THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN UZBEKISTAN

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда зиёрат туризми ривожланишининг асосий йўналишлари, унга таъсир этувчи омиллар ва имкониятлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, диний туризм ва унинг тузилиши, турли муаллифлар томонидан диний тузим, зиёрат туризми, ислом туризми каби тушунчаларга берилган таърифлар таҳлил этилган. Мамлакатда зиёрат туризмини ривожлантиришида эришилган ютуқлар таҳлил этилган ҳамда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ёритилган.

Калит сўзлар: диний туризм, зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми, туризм инфратузилмаси, туризми ривожлантириш концепцияси, ҳалол стандарт.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы развития туризма в Узбекистане, факторы и возможности, влияющие на него. Анализируются различные подходы к определению понятия религиозный туризм, паломнический туризм, исламский туризм. Анализируются достижения в развитии туризма в стране и определяются задачи, которые необходимо решить.

Ключевые слова: религиозный туризм, паломнический туризм, религиозно-экскурсионный туризм, туристическая инфраструктура, концепция развития туризма, добросовестный стандарт.

Annotation: The article deals with the development of tourism in Uzbekistan, factors and opportunities that affect it. Various approaches to the definition of the concept of religious tourism, pilgrim tourism, and Islamic tourism are analyzed. The achievements in the development of tourism in the country are analyzed and the tasks that need to be solved are determined.

Keywords: religious tourism, pilgrim tourism, religious excursion tourism, tourist infrastructure, the concept of tourism development, conscientious standard.

Мамлакатимизда қабул қилинган “2019 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да 2019 – 2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантиришда туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан, хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш эвазига такомиллаштириш орқали эришиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон зиёрат туризми учун қулай манзил ҳисобланади. Ислом оламида машҳур кўплаб уламолар юртимизда яшаб ижод қилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун ҳам азиз бўлган тарихий қадамжолар бор. Ислом дунёсининг энг қимматбаҳо Қуръони карим намуналаридан бири – Халифа Усмон Қуръон китоби сақланувчи Ҳазрати Имом мажмуаси, буюк ислом имоми Маҳаммад Ал-Бухорий мақбараси, Нақшбандия тариқати издошлари мақбалари ва шу каби кўплаб бошқа диний марказлар мавжуд. Бундай тарихий ва муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюради.

2020 йил 9 декабрь куни Президент Ш.Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда 2021 йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш мақсади қўйилди. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир. Юртимизда ислом динига оид кўплаб зиёратгоҳлар, яҳудийлик, буддавийлик ёдгорликлари бор. Бу имкониятдан

фойдаланиб, 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди [2:10].

Ўзбекистонда туризмнинг барча турларини ривожлантириш имкониятлари юқорилиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Шу билан бирга туризм соҳасидаги мутахассислар томонидан диний туризм, зиёрат туризми тушунчалари, уларнинг таркиби бўйича яқдиллик мавжуд эмас. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, диний туризм бу - ўзи яшаш ҳудудидан ташқарида жойлашган муқаддас жойлар ва диний марказларга саёҳат қилувчи туристлар эҳтиёжини қондириш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият туридир [4:19]. Унинг таркибига зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми ва диний илмий туризм киритилади. Бунга боғлиқ ҳолда ўз яшаш ҳудудидан бир йилдан кўп бўлмаган муддатга, турли хил диний марказлар ва муқаддас жойларни кўриш, маълум ибодат талабларини бажариш, динни, диний манбаларни ўрганиш мақсадида саёҳат қилувчи шахслар диний мақсад билан саёҳат қилувчи турист деб аталади. Зиёрат – кишиларнинг муқаддас жойларга ташриф буюриш ва у ерларда маълум амалларни амалга оширишдан иборат, зиёрат туризми эса зиёрат қилиш учун саёҳат қилувчиларга хизмат кўрсатишга йўналтирилган фаолият туридир.

Диний экскурсия туризми диний марказларга саёҳат қилишни ўз ичига олади, бу ерда сайёҳлар диний обидаларни, музейларни кўриши, диний тадбирларда қатнашиши мумкин. Ушбу турдаги туризм илмий туризм билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Олимлар мавжуд диний марказларга, бой диний анъаналарга эга бўлган мамлакатларга мамлакатлар ва минтақаларга ташриф буюриб, диний мерос - қўлёзмалар, диний меъморчилик объектларини ўрганадилар.

Қатор муаллифларнинг фикрига кўра, мусулмонларнинг ер юзи бўйлаб турли мақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризқ излаш ва умуман бошқа сабаблари билан саёҳат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди.

Шу ўринда туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганликларини таъкидлаш лозим. Зиёрат туризми, Ислomий туризм, диний туризм,

шаръий туризм, ҳалол туризм каби таклиф этилган атамаларнинг муаммоли жиҳатлари бўлганлиги сабабли, баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай туризм) атамаси маъқул кўрилган [3, 1].

Ислom туризм маркази ислom туризмга шундай таъриф берган: саёҳат давомида ислom қоидаларига амал қилинган ҳолда амалга оширилган ҳар қандай ҳодиса, учрашув, зиёрат ислom туризми деб аталади. Шунингдек, ушбу марказнинг таърифига кўра, ислom туризми йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

- турли йўналишларда саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- мусулмон мамлакатларига саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- ислom тамойилларига амал қилган ҳолда саёҳат қилиш;
- ислom меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- ислom меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмон бўлмаганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда зиёрат туризмнинг санаб ўтилган барча йўналишларини ривожлантириш учун имконият мавжуд. Тарихий ва муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳат қилиш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Ўзбекистонга ташриф буюради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг зиёрат туризми йўналишидаги жозибасини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Президентнинг 5611-сонли фармонида кўра, 2017 йилнинг 5 январь кунидан Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва диний-маънавий мероси ва анъаналарини ўрганиш учун ташриф буюрувчи хориж фуқароларига 2 ойгача бўлган муддат билан берилувчи Pilgrim visa жорий этилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида зиёрат туризми марказларидан бири сифатида эътироф этилиши умумий маънода мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва туристлар оқимини сезиларли даражада оширишга туртки беради. Зиёрат туризми учун диний қадамжоларнинг ўзи етарли эмас. Сайёҳларни жалб қилиш учун тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши, қулай виза тартиби, аэропорт, меҳмонхоналарда ибодат амалларини бажариш учун шарт-шароит бўлиши керак.

Шу билан бирга зиёрат туризми объектлари бўйича маълумотлар пакети

шаклланмаганлиги, туристларнинг келаётган мамлакати, маданияти, урф-одатлари, диний кадриятлари кабиларини эътиборга олинган ҳолда тур пакетлар таснифланмаганлиги, туристларга ёрдамчи бўладиган объектлар хариталарини тайёрланмаганлиги, зиёрат туризми инфраструктурасининг етарли даражада шаклланмаганлигини ва зиёрат туризминини ташкил этишда инновацион омиллардан фойдаланиш механизми илмий асосланмаганлигини таъкидлаш зарур.

Зиёрат туризминини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш муҳимдир.

2018-2019 йилларда мамлакатимизда бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Натижада, юртимизга ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар сони ошди. Маълумотларга кўра, 2019 йилда мамлакатимизга келган хорижлик меҳмонлар 6,7 миллион нафарни ташкил этган. Бу 2018 йилнинг шу даври билан таққослаганда 126,2 %ни ташкил этган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофик, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва Исроил давлатлари фуқаролари учун визасиз режим ва 39 мамлакатдан келадиган сайёҳларга соддалаштирилган виза тартиби жорий қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 86 мамлакат фуқароларига кириш визаларининг соддалаштирилган тартиби жорий қилинган.

Ҳалол саёҳат бўйича - Crescent Rating ташкилоти томонидан 2017 йилда тузилган рейтингда Ўзбекистон 28-поғонани эгаллаган эди. Рейтингда мамлакатимиз - хавфсиз саёҳат (100 дан 84 балл), ибодатхонага кириш эркинлиги (80), - овқатланиш имкониятлари ва кафолатлари (70) йўналишларида юқори баҳоланган. Аммо - виза (50), аэропорт имкониятлари (48,3), - оилавий таътил (44,4), яшаш шароитлари (33,2), - мусулмонлар учун имкониятлар (25), - сайёҳларнинг келиши (21,2), - коммуникация имкониятлари (19) йўналишларида эса ўрта ва қуйи поғоналарни эгаллади. 2018 йилда рейтингда қуйи даражада баҳоланган, кам ривожланган йўналишларни яхшилашга эътибор қаратилди. Туризмни ривожлантириш

давлат қўмитаси - Crescent Rating ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизда зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқди. Ушбу тавсиялар асосида халқаро аэропортларда ибодат амалларини бажариш учун зарур шароитлар яратилди. Малайзиянинг MS 2610:2015 - Muslim friendly hospitality services. Requirements стандарти бўйича мамлакатимизда - Oz DSt:2018 Туризм хизматлари. Мусулмон меҳмондўстлиги. Талаблар стандарти лойиҳаси ишлаб чиқилди. Зиёрат туризми соҳасидаги энг муҳим воқеалардан бири юртимизда илк бор - ҳалол стандарти жорий этилди.

2019 йилда Ўзбекистоннинг халқаро зиёрат туризми рейтинги “Global Muslim Travel Index” даги мавқеи 10 та пунктга кўтарилиб, мамлакатимиз 22 ўринни эгаллади. Шунингдек, туризм хавфсизлиги даражаси ва бағрикенглик кўрсаткичи бўйича Ислои Хамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлари ўртасида биринчи ўнталиққа кирди [1:1].

Хулоса: Мамлакатимизда зиёрат туризминини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган биринчи навбатдаги муаммолар ечилди. Зиёрат туризминини ривожлантириш учун зарур инфратузилма объектлари – меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш залларининг зиёрат туризми стандартларига жавоб бериши масалаларини ҳал этиш зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда зиёрат туризминини ривожлантириш омилларидан бўлган ахборот ресурсларини жамлаш, мамлакатда мавжуд маънавий ва моддий бойликлар тавсифини умумлаштириш, зиёрат туризми бўйича тўлиқ маълумот берувчи интеграцион электрон платформани яратиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистонда туризм- 2016-2019. (2020). Ташкент: ЎзР Статистика қўмитаси.
2. Мирзиёев, Ш. (январь 2021 г.). Ўзбекистон олий мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасига мурожаатнома. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
3. Холхўжаев, С. (2020). Зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаърий туризм ва ҳалол туризм? Қай бир атама тўғри? Получено 6 февраль 2021 г., из Azon.uz: <https://azon.uz/content/views/ziyosat-turizmi-islomiy-turizm-diniy-tur>.
4. Христов, Т. (2005). Религиозный туризм. Москва: Издательский центр “Академия”.